



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТЛАРНИНГ РЕСУРС СИФАТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Бобобеков Фарход Рустамович

Тошкент Кимё халқаро университети

ORCID: 0000-0001-6836-6461

farkhodbr@gmail.com

Аннотация. Тижорат банкларида ресурс жалб қилишнинг бир қанча йўллари мавжуд. Тижорат банклари ўз маблағларини ресурс сифатида фойдаланиши қулай ҳисобланади. Бироқ, ушбу ресурсларнинг чекланганлигини ҳисобга олсак, жалб қилинган маблағлар мақбул ва жозибали ҳисобланади. Ушбу тадқиқотимизда тижорат банкларининг ресурс жалб қилиш, депозит сиёсатини олиб бориш йўллари ҳамда депозитларни турли хил иқтисодий кўрсаткичларга нисбатини кўриб чиқамиз. Жараёнда мавжуд бўлган муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида атрофлича тўхталамиз.

Калит сўзлар: тижорат банклари, депозит, ресурс, ЯИМ, инфляция, бўш пул маблағлари, девальвация, мажбурият, давлат банки, бошқа банклар, миллий валюта, чет эл валютаси.

ЗНАЧЕНИЕ ДЕПОЗИТОВ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ В КАЧЕСТВЕ РЕСУРСА

Бобобеков Фарход Рустамович

Ташкентский международный университет Кимё

Аннотация. В коммерческих банках существует несколько способов привлечения ресурсов. Коммерческим банкам удобно использовать свои средства в качестве ресурса. Однако, учитывая ограниченность этих ресурсов, привлеченные средства являются приемлемыми и привлекательными. В данном исследовании мы рассмотрим способы ведения депозитной политики коммерческих банков по привлечению ресурсов и соотношение депозитов к различным экономическим показателям. Остановимся на имеющихся в процессе проблемах и их решениях.

Ключевые слова: коммерческие банки, депозит, ресурс, ВВП, инфляция, свободные денежные средства, девальвация, обязательство, государственный банк, другие банки, национальная валюта, иностранная валюта.

THE VALUE OF DEPOSITS IN COMMERCIAL BANKS AS A RESOURCE

Bobobekov Farkhod Rustamovich

Kimyo International University in Tashkent

Abstract. There are several ways to attract resources in commercial banks. It is convenient for commercial banks to use their funds as a resource. However, given the limited resources available, the funds attracted are acceptable and attractive. In this study, we will examine the ways in which commercial banks conduct deposit policies to attract resources and the ratio of deposits to various economic indicators. Let us focus on the problems that exist in the process and their solutions.

Keywords: commercial banks, deposit, resource, GDP, inflation, free funds, devaluation, obligation, state bank, other banks, national currency and foreign currency.

Кириш.

Тарихан банкларнинг келиб чиқишига назар ташлайдиган бўлсак, банклар асрлар давомида асосий ресурс сифатида бўш турган маблағларни жалб қилиш орқали фаолият олиб борган. Тижорат банкларининг депозитлар орқали ресурс жалб қилиши ҳар бир банкнинг шу йўналишда тўғри танланган сиёсатига боғлиқ. Банклар бу борада жисмоний ва юридик шахслардан ресурсларни депозит орқали жалб қилиши муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳозирги вақтда жисмоний шахслар қўлида катта ҳажмдаги маблағ мавжуд. Банклар ушбу маблағларни депозит сифатида жалб қилиши лозим. Бироқ, аҳолининг банкларга бўлган ишончи, қолаверса таклиф қилинаётган депозит фоиз ставкасининг пастлиги тижорат банкларининг аҳоли бўш турган пул маблағларни жалб қилиш, мураккаб масала бўлиб қолмоқда. Бошқа томондан, аҳоли ўртасида ноананавий бўлган ва кенг ривожланган муқобил инвестиция йўллари мавжуд бўлиб аҳоли уларга кўпроқ ўзини бўш пул маблағларини йўналтирмоқда.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмлари ва инструментларини қўллашни кенгайтириш, шунингдек, пул-кредит сиёсати самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказишни таъминлаш кўзда тутилган эди (Фармон, 2019). Бироқ охириги йилларда инфляцияни 5 фоизли таргетга тушириш бўйича қилинаётган саъи ҳаракатлар режалаштирилган мақсадларга эришишга имконият бермаяпти. Инфляцияни мақсад даражасига етказилмаганлиги, аҳолининг банкларга депозит қўйишининг пастлигига сабаб бўлмоқда. Бошқа томондан, 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш бўйича (Фармон, 2020) мақсадли кўрсаткичларда депозитларнинг банк мажбуриятларига нисбати ўртача 55-60 фоиз бўлиши белгиланган эди. Бироқ мақсадли кўрсаткичларга эришилмаган (2-жадвалга қаранг). Депозитлар ҳажмининг ошиши бу тижорат банклари учун ресурс манбаси ҳисобланса уни ЯИМдаги улушини ҳисоблаш кўрсаткичининг ортиши бу иқтисодиётга тўғридан-тўғри таъсир қилувчи омил ҳисобланади. Бу борада, банк депозитларининг ЯИМга нисбати ўртача 25-26 фоиз бўлишини таъминлаш мақсади қўйилган (Фармон, 2020), аммо ушбу мақсадли кўрсаткичларга эришилмаган (3-жадвалга қаранг).

Умумий ҳолда тижорат банкларининг депозит жалб қилиш бўйича аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга қўйишда муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Шу боисдан, тижорат банклари юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг ечимларини излаб топиш учун комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқмас экан, бўш пул маблағларни банкларга омонатга қўйишда мақсадли кўрсаткичларга эришиш имкони қийинлашиб бораверади.

Адабиётлар шарҳи.

Мамлакатимизда аҳоли омонатини жалб қилиш бўйича етарлича тажрибага эга бўлиш учун, ушбу мавзу бўйича иқтисодчи олимларни тадқиқотларини ўрганиш муҳим. Бу борада Комаревцева ва бошқалар (2014) тижорат банкларининг омонатлар фоизини мақбуллаштириш, мижоз томонидан бўш пул маблағни узоқ муддат банкда сақлаш имконияти мавжудлигини таъкидлаган. Бироқ мамлакатимиз тижорат банклари депозит фоиз ставкасини йиллар кесимида таҳлил қилагинимизда (Бобобеков, 2024) Комаревцева ва бошқалар таъкидлаганидек тижорат банкларимиз баланд фоиз таклиф қилмаяпти. Шунингдек тадқиқодчиларни қўйидаги фикрларини ҳам ўргандик. Мисол учун, тижорат банкининг бозорга кириб бориши учун баланд фоизли омонатлар

таклифи ва турли хил комиссия тўловларни бекор қилиши мижолар оқимини таъминлаб беришини айтганлар. Юқорида айтилган фикрларни айрим банкларимиз мисолида кўрсак улар томонидан таклиф қилинатётган омонат турлари чиндан ҳам фоизи баландлиги билан ажралмоқда (1-жадвалга қаранг).

Маҳаллий тадқиқодчилардан Ибодуллаев (2024)...инфляциянинг мақсадли кўрсаткичига эришишни таъминлаш ва миллий валютанинг девальвация суръатини пасайтириш йўли билан тижорат банкларининг миллий валютадаги муддатли депозитлари ва уларга ҳисобланган фоизларнинг реал қийматини пасайишига йўл қўймаслик кераклигини айтган. Чиндан ҳам инфляция ҳисобидан миллий валютамиз сўмни девальвацияга учраётганлигини тадқиқот натижалари кўрсатмоқда (5-жадвалга қаранг). Юқорида тадқиқодчи келтириб ўтган фикрларга икки хил ёндашиш мумкин. Биринчидан, сўмни инфляция натижасида девальвацияга учраши аҳоли депозитларини реал қийматини пасайишига олиб келмоқда. Шермухаммедов (2021) ўз тадқиқотида аҳоли ва бизнес субъектлари томонидан омонат валютасини танлашда хорижий валюталарга устуворлик берилмоқда деган фикрни билдирган, бироқ охириги тадқиқодлар натижасига кўра чет эл валютасидаги депозитларнинг қисқариши кузатилган. Бунинг асосий сабаби чет эл валютасида жалб қилинган депозитлар учун фоизлар пасайган. Шунинг учун ушбу турдаги депозитларга бўлган талабнинг камлиги улар ҳажмини қисқаришига олиб келган (Бобобеков, 2024).

Прокофьева ва бошқалар (2017) ўз тадқиқотида инфляция даражаси, шунингдек аҳоли молиявий ҳолатининг ёмонлашуви уларнинг қисқа муддатларга омонат қўйишини таъкидлаган. Тадқиқодчилар фикрига қўшилган ҳолда айтиш керакки, юқорида санаб ўтилган сабаб ва оқибатлар аҳолининг тижорат банкларига омонат қўйишига таъсир қилмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Тижорат банкларини ресурс жалб қилиши авваламбор уларни депозит сиёсатига боғлиқ. Тадқиқод жараёнида хорижий ва маҳаллий олимларнинг тижорат банклари депозит жалб қилиши бўйича олиб борган тадқиқодларининг таҳлили олиб борилди. Шунингдек, жаҳон тажрибасида депозитларнинг мажбуриятлар ва ЯИМга бўлган нисбати методологияси ўрганилди. Тадқиқод жараёнида эксперт баҳолаш, таққослаш, тизимли таҳлил қилиш усуллари билан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тижорат банкларининг асосий ресурс базасини жалб қилинган маблағлар ташкил қилади. Таъкидланганидек, жалб қилинган ресурслар таркибида депозитларнинг улуши кам. Жаҳон тажрибасида жами мажбуриятлар таркибининг қанчаси депозитлардан иборат эканлиги муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Дунёдаги бир қатор йирик банклар таҳлил қилинганда (1-жадвал) JPMorgan Chase & Co., банкининг мажбуриятлар таркибида 72 фоиз депозитлар мавжудлиги аниқланди. Умуман олганда жаҳон тажрибасида мажбуриятларнинг 60 фоизи депозитлардан ташкил топиши яхши кўрсаткич ҳисобланади. Таҳлил қилган жадвалимизда Goldman Sachs Group банкининг кўрсаткичи талаб даражасида эмаслиги аниқ бўлди.

2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш бўйича депозитларнинг банклар мажбуриятларига нисбати 60 фоиз бўлиши белгиланган. Мамлакатимиз тижорат банкларининг депозитларини мажбуриятларга нисбатини кўриб чиқдик (2-жадвал). Таҳлил даврида

1-жадвал

Дунёдаги йирик банклар депозитларининг мажбуриятларга нисбати 2024 йил,
(млрд.долл)

№	Банклар	Жами депозитлар	Жами мажбуриятлар	Депозитларни мажбуриятларга нисбати %да
1.	JPMorgan Chase & Co.	1,8	2,50	72
2.	Bank of America	1,40	2,00	70
3.	Citigroup Inc.	1,20	1,80	66,7
4.	Wells Fargo & Company	1,3	1,9	68,4
5.	Goldman Sachs Group	0,20	0,50	40

Манба: Analyst Interview расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. (analystinterview.com)

(2020-2024) ушбу нисбат турлича бўлган. Мисол учун, таҳлил даврининг бошида 45 фоизга тенг бўлган бўлса кейинги икки йилда пасайиб кетган. Камайишни асосий қисми давлат улушидаги банкларда сезилган, бошқа банкларда ушбу кўрсаткич ўзгаришсиз қолган. 2023 йилга келиб жами нисбат 45,4 фоизга етган ва деярли таҳлил даврининг боши (2020 йил)га тенглашган. Бироқ давлат улушидаги банкларда ушбу кўрсаткич ошганлигини кузатган бўлсак, бошқа банкларнинг 2023 йилдан депозитларни мажбуриятларга нисбати пасайган. Таҳлил даврида, бошқа банкларнинг ушбу нисбати ўртача 60-70 фоиз атрофида бўлган ва бу талаб қилинган мақсад кўрсаткичига тенг, давлат улушидаги банкларнинг кўрсаткичи 35 фоизга тенг бўлган. Бу эса мақсад кўрсаткичларидан анчагина паст ҳисобланади.

2-жадвал

Тижорат банклари депозитларининг мажбуриятларга нисбати (млрд.сўм)

Йиллар	Кўрсаткич номи	Мажбуриятлар	Депозитлар	Депозитларни мажбуриятларга нисбати %да
01.01.2020 й.	Жами	221 696	91 009	45,05
	Давлат улушидаги банклар	185 860	65 740	35,37
	Бошқа банклар	35 837	25 269	70,5
01.01.2021 й.	Жами	307770	114747	37,2
	Давлат улушидаги банклар	259137	80339	31
	Бошқа банклар	48633	34407	70,7
01.01.2022 й.	Жами	374005	156190	41,7
	Давлат улушидаги банклар	304727	104248	34,2
	Бошқа банклар	69278	51942	74,9
01.01.2023 й.	Жами	477 181	216 738	45,4
	Давлат улушидаги банклар	334 945	119 101	35,5
	Бошқа банклар	142 236	97 636	68,6
01.01.2024 й.	Жами	555 078	241 687	43,5
	Давлат улушидаги банклар	378 538	124 358	32,8
	Бошқа банклар	176540	117329	66,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. (cbi.uz)

Банк депозитларини ЯИМга нисбати 2020-2025 йилларда 18 фоиздан 27 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бироқ таҳлил натижаларига кўра (3-жадвал) йиллар давомида ушбу нисбат ўртача 16 фоизни ташкил қилган.

3-жадвал

Банк депозитларининг ЯИМга нисбати (млрд.сўм)

Йиллар	Депозитлар	ЯИМ (номинал)	Банк депозитларининг ЯИМга нисбати фоизда
2020	91 009	60 5515	15
2021	114 747	73 8425	15,5
2022	156 190	88 8342	17,5
2023	216 738	119 2162	18,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. (cbu.uz)

Бу эса мақсад кўрсаткичидан 11 фоизга камлигини кўришимиз мумкин. Кўшни мамлакатлардан Қозоғистонда ушбу нисбат 38 фоизга тенг бўлган (АФК, 2016). Қозоғистон банк депозитларини ЯИМга нисбати Россия, Канада, Малайзия ва Индонезия каби мамлакатлар билан тенглашган. Қирғиз Республикаси Миллий банкининг маълумотларига кўра (ҚРМБ, 2021) тижорат банклари депозитларининг ЯИМга нисбати 2021 йилда 32,2 фоизга тенг бўлган, ҳолбуки 2017 йилда ушбу кўрсаткич 22,9 фоизга тенг бўлган. Таҳлил натижаларига кўра мамлакатимиз банклари депозитларининг ЯИМга нисбати бўйича кўшни республикаларга қараганда ортда қолмоқда.

Миллий валютани қадрсизланиши аҳолининг банкларга омонат қўйишини рағбатлантирмайди, аксинча уларнинг муқобил инвестицияга йўналтиришини англатади.

4-жадвал

Чет эл валютасини сўмга нисбатан алмашув курси (йиллик ўртача)

Давр	1 АҚШ доллари	Ўзгариши, (+/-)	Ўзгариш %да
1	2	3	4
2020 йил	10 454,00	920,70	0
2021 йил	10 806,00	322,78	3,37
2022 йил	11 242,00	413,48	4,03
2023 йил	12 335,00	1 042,00	9,72
2024 йил	12 904,38	505,62	4,62

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. (cbu.uz)

Чет эл валютасини сўмга нисбатан алмашув курсларини 2020-2024 йиллар оралиғида таҳлил қилганимизда (4-жадвал) 22 фоиз девольвацияга учрагани маълум бўлди. Таҳлил даврида энг юқори пасайиш 2023 йилда 9,7 фоизни ташкил қилган. Таҳлил даврининг қолган йилларида ўртача қадрсизланиш 4 фоиз бўлган.

Тижорат банкларида юқори ва паст ставкадаги омонат фоизлари

Банк	Фоиз	Минимал сумма	Муддати (ой)
TBC Bank	27%	100 минг.сўм	24
“Анорбанк”	27%	1 млн.сўм	25
“Даврбанк”	26.5%	100 минг.сўм	25
Tenge Bank	23%	100 млн.сўм	13
“Трастбанк”	23%	500 минг.сўм	25
Ziraat Bank	20%	3 млн.сўм	24
“Orient Finans Bank”	20%	1 млн.сўм	13

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. (cbi.uz)

Мамлакатимиздаги мавжуд 36 тижорат банкидан учтаси энг юқори омонат фоиз ставкасини таклиф қилмоқда. Уларнинг бозорга таклифи ўртача 27 фоизга тенг. Қолган банкларнинг фоизи 23 ва ундан паст бўлиб қолмоқда. Тадқиқодлар натижасига кўра ресурс керак бўлган банклар юқори фоиз таклиф қилади. Бошқа томондан йил якуни бўйича кўп банкларда ликвид активга бўлган юқори талаб уларни баланд фоизли омонатлар жалб қилишига ундаши мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Жалб қилинган маблағлар таркибида депозитларнинг роли муҳим ҳисобланади. Зеро ушбу ресурслар тижорат банклари учун олдиндан ўз ҳатти-ҳаракатини прогноз қилиш имкониятини яратади. Тадқиқод натижаларига кўра бир қатор таклиф ва мулоҳазаларни шакллантирдик. Булар қўйидагилар:

- тадқиқодчиларнинг депозит фоизини баландлиги уларни узоқ муддатга банкга омонат қўйишига асос бўлишини таъкидлашган. Бироқ, тадқиқод натижаларига кўра мамлакатимизда миллий валютанинг девольвацияга учраши, аҳолининг банк депозитига эмас, балки маблағлар бошқа муқобил инвестицияларга йўналтирилмоқда;

- тадқиқодчилар томонидан банкларнинг бозорга кириши учун махсус омонат фоизини кўтариши айтилган. Аммо тадқиқотимиз натижаларига кўра мамлакатимизда тижорат банклари асосан ресурсга эҳтиёж сезган ҳолатда бозорга баланд фоиз таклифи билан чиқишади;

- маҳаллий тадқиқодчиларимиз томонидан аҳоли ва юридик шахслар омонат қўйишда кўпроқ чет эл валютасини афзал кўришини таъкидлашган. Тадқиқодлар шуни кўрсатмоқдаки, миллий валюта омонатлари ҳажми ошиб бормоқда, аксинча хорижий валютадаги омонатлар камаймоқда;

- дунё тажрибасида депозитларни мажбуриятларга нисбати ўртача 60 фоизга тенг бўлиши келтириб ўтилган. Аммо мамлакатимиз тижорат банклари таҳлили натижаларига кўра ушбу кўрсаткич 43 фоизга тенг. Мақсад кўрсаткичларига асосан мамлакатимиз тижорат банклари депозитларни мажбуриятларга нисбати 60 фоиз бўлиши келтириб ўтилган;

- ривожланаётган ва қўшни мамлакатларда банк депозитларининг ЯИМга нисбати ўртача 40 фоизни ташкил қилмоқда. Ушбу нисбат мамлакатимиз банкларида таҳлил натижаларига кўра 16 фоизга тенг. Белгиланган мақсад кўрсаткичи 27 фоизни ҳисобга олсак банк депозитларини ЯИМга нисбати ҳозирги ҳолатдан икки баробарга ортиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда кўп ҳолатларда тижорат банкларининг омонат жалб қилишида етарлича камчиликлар мавжуд. Таҳлил натижаларига кўра мамлакатимиз банк тизими мақсад кўрсаткичларига эришиши қолаверса қўшни мамлакатлардаги умумий натижалари пастлигича қолмоқда. Юқоридаги таҳлил натижаларини ҳисобга

олиб шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банкларимизда депозитларни жалб қилишда аниқ сиёсатни амалга ошириш лозим.

Адабиётлар/Литература/References:

АФК (2016) “Вклад банковского сектора в ВВП Казахстана”// Қозоғистон молиячилари ассоциацияси расмий сайти <https://afk.kz/ru/news/vklad-bankovskogo-sektora-v-vvp-kazaxstana.html>

Бобобеков Ф. (2024) “Тижорат банкларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ресурсларини жалб қилиш муаммолари” //“Milliy iqtisodiyotni isloh qilish va barqaror rivojlantirish istiqbollari” mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi Октябрь 2024, 280-282б.

Бобобеков Ф. (2024) “Тижорат банкларининг депозитлар орқали ресурс жалб қилишининг жорий ҳолати” //Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил илмий электрон журнали №12, Декабр 2024, 276-283б.

Ибодуллаев Ш. (2024) “Аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб қилишининг долзарб муаммолари” //Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил илмий электрон журнали №3, Март 2024, 278-282б.

Комаревцева Л.В., Гладышева Е.А. (2014) “Проблемы формирования депозитной политики в современных условиях” //Проблемы учёта и финансов, №2 (14), 47-52 стр.

Национальный банк Кыргызской Республики (2021) “Основные направления развития банковской системы Кыргызской Республики на 2022-2025 годы” // «29» декабря 2021 года № 2021-П-35/75-7-(БС).

Прокфьева Е.Н. и другие (2017) “Проблемы привлечения вкладов населения и обеспечения их страхового покрытия” // Экономика. Налоги. Право, №4, 70-79 стр.

Фармон (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрги ПФ-5877-сонли “Инфляцион таргетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони.

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

Шермухамедов Б. (2021) “Тижорат банкларининг депозит сиёсати ва уни иқтисодий аҳамиятини янада ошириш йўллари” // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel.